

Хар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Хар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир.

Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, VII боб, 29-модда.



ERURSEN SHOH, AGAR OGONSEN SEN, AGAR OGONSEN SEN, SHOUSEN SEN

# Xabar

44  
(1050)-son

2-noyabr

www.xabar.uz  
info@xabar.uz

2012

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ALOQA, AXBOROTLASHTIRISH VA TELEKOMMUNIKATSIYA TEKNOLOGIYALARI DAVLAT OO'MITASI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

## “Infolib O‘zbekiston”

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида биринчи миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги ўтказилди.



4-5-бетлар

Бугунги кун кутубхонаси аввалгиларидан, масалан, 20 йил бурунгисидан тубдан фарқ қилади. Бугунги кутубхона бу — ўзига хос ахборот маркази. У ердан керакли барча маълумотларни, ахборотларни топса бўлади. Ахборот технологияларининг кўмагида нафақат кутубхонанинг ўз ресурсларидан, балки тармоқ орқали хорижнинг улкан ахборот ресурсларидан ҳам фойдаланиш имкони бор. Бу ҳолатда кутубхоналарда ахборот маданиятини қайтадан шакллантириш талаб этилади. Ўқувчи ва фойдаланувчиларни замонавий ахборот шарт-шароитларига тайёрлаш, ахборот технологиялари кўмагида маълумотларга эга чиқиш кўникмаларини шакллантириш бугунги кун ахборот-кутубхоналари олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади. Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг муҳташам биносига ўтказилган “Infolib O‘zbekiston” миллий ахборот-кутубхона ҳафталигидан кўзланган асосий мақсад ҳам китобхонлик маданиятини юксалтириш, фойдаланувчиларнинг ахборот-коммуникация технологияларига оид билим ва кўникмаларини янада бойитиш, мазкур маърифат масканида китобхонлар учун яратилган имконият ва қулайликлардан ҳамортларимизни бохабар этишдан иборат бўлди.

### Сўнги янгилик!

Сан-Францискода Windows Phone 8 мобил амалиёт тизимининг расмий тақдироти ўтказилди. Янги тизим Windows Phone 7.5дан бирмунча фарқланади — Internet Explorer 10браузерига эга, шунингдек, Sky Drive, Skype ва бошқа Microsoft сервислари билан янада уйғунлаштирилган.

Windows Phone 8 ўрнатилган илк смартфонлар ноябр ойининг бошларида Nokia компанияси томонидан (Lumia 820/920) чиқарилиши кутиляпти, шунингдек, HTC ва Samsung компаниялари ҳам янги мобил амалиёт тизимига қизиқиш билдирмоқда.



Алоқа оламида

### Ушбу сонда:

■ Тўққиз ой яқунлари	2
■ Ҳамжихатлик — ютуқлар гарови	3
■ Информационная безопасность в сфере связи и информатизации	6
■ 93 000та фишинг-хужум	11
■ Диққат, оптик алоқа кабелли!	12
■ Янги дарсликлар	14

Теледастурлар, спорт, сканворд

## Jumadan Jumagacha

2012 йил 25 октябрда Вази́рлар Маҳкамасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар истиқбол, солиқ ва бюджет сиёсати коңсенцияси, Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Давлат бюджетини ҳамда Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳалари ҳар томонлама муҳокама қилинди.

Мамлакатимизга ташриф буюрган БМТ Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА) ижрочи директори, БМТ Бош котибининг ўринбосари Бабагүлде Осотимен Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов билан учрашди. Мулоқот чоғида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оила ва жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида амалга ошириладиган кенг қўламли ишлар юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди.

Пойтахтимизда Конституциянинг 20 йиллиги муносабати билан "БМТнинг Иркий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги Халқаро конвенцияси ва Ўзбекистон Республикаси қонучилиги" мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди. Мазкур тадбир Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамда Республика байналмилал маданият маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуночилик палатасида ижтимоий шериқликнинг асосий йўналишларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Фарғона шаҳрида Асакадаги "GM Uzbekistan" кўшма корхонасига бутловчи қисмлар етказиб берадиган "UZSUNGWO" Ўзбекистон — Жанубий Корея кўшма корхонаси ишга туширилди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий бонига "Мустаҳкам оила йили Давлат дастури" доирасида "Экстрим — гиёҳвандликка қарши" мавзусида ёшлар фестивали ўтказилди. "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир гиёҳвандлик, кашандалик каби иллатларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида ўтказилди.

"MEDEF" Франция ишбилармонлар харакатининг Париждаги бош қароргоҳида Ўзбекистон-Франция бизнес-анжумани бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг сармоявий салоҳиятига бағишланган мазкур тадбирда Франциянинг ўттиздан зиёд компанияси вакиллари Ўзбекистон бозоридаги фаолиятнинг истиқболлари билан танишиш имкониятига эга бўлишди.

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилишида жорий йил тўққиз ойлик якунлари муҳокама қилинди. Мажлис вилоятлар марказлари ва туманларга радиоселектор орқали узатилди. Йиғилишни Ҳайъат раиси Х.Мирзахидов бошқарди ва кун тартибидаги асосий масала — 2012 йилнинг 9 ойида алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси корхоналарининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида маъруза қилди. Маърузада алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ҳукумат қарорлари билан белгиланган дастурлар ва тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича тегишли ишлар олиб борилганлиги ва яхши натижаларга эришилганлиги таъкидланди.

# Тўққиз ой якунлари

Хусусан, 2012 йилнинг 9 ойида соҳа корхоналари томонидан 2271,3 миллиард сўмлик хизматлар кўрсатилди (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 24,5 фоиз), жумладан, аҳолига алоқа хизматлари кўрсатиш 1465,7 миллиард сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати 21,4 фоизга етди.

Маърузада амалга оширилган ишлар йўналишлар ва тармоқлар бўйича алоҳида таҳлил қилинди ҳамда навбатдаги муҳим вазифалар белгилаб берилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги Инвестиция дастурига алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси бўйича тўғридан-тўғри жалб қилинадиган хорижий сармоялар ҳамда корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича 2012 йилнинг 9 ойида жами 188,02 миллион АҚШ доллари (355,26 миллиард сўм) ўзлаштирилди ва ҳисобот режаси 123 фоиз қилиб адо этилди. Тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий сармоялар ҳисобига амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича 9 ойида 122,33 миллион АҚШ доллари ўзлаштирилиш режалаштирилган эди. Ҳисобот даврида бу рақам 153,06 миллион АҚШ доллари ёки 289,2 миллиард сўмни ташкил этди ва режа 125 фоизга бажарилди.

"Ўзбектелеком" АҚда ҳам бу соҳада яхши муваффақиятларга эришилди. Хусусан, Бойсун-Денов оралиғидаги оптик алоқа линияларини куриш бўйича жами 101,9 километр, Ургут-Шаҳрисабз оралиғидаги 78,1 километр оптик алоқа линияларини куриш ишлари тўлиқ якунланди. "Ўзбектелеком" АҚнинг маҳаллий телекоммуникация тармоғини NGN технологиялари асосида модернизация қилиш ва ривожлантириш лойиҳаси бўйича эса барча усқуналар келтирилиб, худудларга тақсимланмоқда. "ЎзМобайл" филиали CDMA-450 мобил алоқа тармоғини модернизация қилиш ва кенгайтириш лойиҳаси доирасида 48та база станцияси (БС) ўрнатилди, 4та БС ишга туширилди, 22та РРЛ қурилма ўрнатилди ва 2та РРЛ қурилма ишга туширилди.

Халқаро ахборот тармоқларидан фойдаланиш умумий тезлиги 2011 йилнинг шу даврида 3750 Мбит/с.ни ташкил этган эди. Бу кўрсаткич жорий йилнинг 9 ойида 6850 Мбит/с.га етказилди. Кенг полосали телекоммуникация хизматларидан фойдаланувчилар сонини ошириш бўйича амалга ошириладиган ишлар на-

тижаси эса жорий йилнинг 1 сентябр ҳолатига кўра қуйидаги қўринишга эга бўлди: умумий ўрнатилган портлар сони 326,850 минг, фойдаланилган портлар сони 182,016 мингта; 2011 йилнинг шу даврида умумий ўрнатилган портлар сони 221,360 мингтани, фойдаланилган портлар сони эса 143,643 мингтани ташкил этганлигини ҳисобга олсак, эришилган натижа янада яққол кўзга ташланади.

Рақамли телевидение тармоғини ривожлантириш ва абонентларга теледас-

**Жорий йилнинг 9 ойида алоқа ва ахборотлаштириш тизимидаги корхоналар томонидан жами 6 328,3 миллион сўмлик маҳсулотлар тайёрланишига эришилди. Бунда ўсиш суръати 133 фоизни ташкил қилди.**

турларни юқори сифатда узатишни таъминлаш мақсадида жорий йилнинг июн ойидан бошлаб "Рақамли интерактив телевидение хизматларини кўрсатиш тизимини куриш" лойиҳаси тест тартибида ишга туширилди.

Давлат ахборот ресурсларининг умумий сони 195тага, Интерактив давлат хизматлари нинг умумий сони эса 197тага етди.

Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий ҳокимлик органлари ходимларининг компютер саводхонлиги даражасини аниқлаш белгиланган жадвал асосида 50та хўжалик бошқаруви органининг 6532 нафар ҳамда 14та маҳаллий давлат ҳокимияти органининг 576 нафар ходими аттестация синовларидан ўтказилди.

UZ домен зонасида доменларни рўйхатга олишни кулайлаштириш учун Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Наманган, Фарғона ва Самарқанд вилоят "Компютерлаштириш маркази" ДУКлари га UZ домен зонасида доменларни рўйхатга

олиш мақоми берилди.

Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан 2012 йилнинг 9 ойида рўйхатга олинган дастурий маҳсулотлар сони (2012 йилнинг 20 сентябр ҳолатига кўра) 208тани ташкил этди. ЭХМ учун 194та дастур, 14та маълумотлар базаси рўйхатга олинган.

Ёш дастуричиликни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази ходимлари томонидан 2012 йилнинг 9 ойида қуйидаги дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқилди: Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазириликка "Инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини ҳисобга олиш автоматлаштириш бўйича техник лойиҳа"; барча ахборот-кутубхона марказларида KaDaTa кутубхона ахборотлаштириш дастурий таъминотининг техник ёрдами ташкил этилди; Тошкент шаҳар

урология марказида поликлиника ва стационарларнинг бизнес жараёнини автоматлаштириш бўйича MedDATA автоматлаштирилган дастурий маҳсулот ўрнатилмоқда; миқозлар билан молиявий-юридик муносабатларни, молиявий ҳужжатларни ва ҳисоботларни автоматлаштириш учун мўлжалланган ихтисослаштирилган дастурий маҳсулот "Sugurta DATA"нинг синов ташкини "ALSKOM" ОАЖ СК учун ишлаб чиқарилди ва жорий этилди; "UNICON.UZ" ДУК учун "Меъёрий ҳужжатларнинг маълумотлар банки" лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Соҳа йўналишидаги касб-ҳунар коллежларининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш учун 395,5 млн. сўм маблағ сарфланди.

2012 йил 9 ойида жами 117та, жумладан, 70та асосий иш ўрни ҳамда 47та касаначилик иш ўрни ташкил этилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги қонунига мувофиқ алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида бошқарини даражасини ошириш, мамлакатнинг иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида замонавий ахборот ва телекоммуникация технологияларини жаҳон андозалари даражасида ривожлантириш ва жорий қилиш, аҳоли учун ахборот ресурсларидан, шу жумладан, интернет тармоғидан фойдаланишни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги негизда Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ташкил этилди. Бу соҳа олдида ўта муҳим вазифаларни амалга ошириш масъулиятини қўйди. Ҳайъат йиғилишида мазкур қўмита раисининг биринчи ўринбосари М.Махмудов ана шу вазифалар ва йўналишлар тўғрисида маъруза қилди.

Йиғилишида, шунингдек, қишки мавсумга тайёргарликнинг бориши, почта, телекоммуникация соҳаси, фуқароларнинг муносабатлари ва иккунга иттифоқ оид масалалар ҳам атрофича қўриб чиқилди. Бу масалалар бўйича "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директори Р.Қосимов, "Ўзбектелеком" АҚ бош директорининг биринчи ўринбосари К.Юлдошев ва бошқа мутахассислар ахборот беришди.

Мажлисида қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**9та ЭРИ калитларини рўйхатга олиш маркази томонидан берилган ЭРИ калитлари сертификатлари ва амалдаги калитларнинг умумий миқдори 2012 йил 20 сентябр ҳолатида 271 717тага етди. Бу миқдор 2011 йилнинг 9 ойида 135 349та эди.**

## Меҳнат хавфсизлиги

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ томонидан "Балакат" фирмасининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича малакали мутахассиси иштирокида жамият бошқарув аппарати раҳбар ва ходимлари, "Тошкент почтамати", "Халқаро почта" ва Тошкент вилояти филиалларининг масъул ходимлари учун "Меҳнатни муҳофаза қилишнинг талаблари" бўйича ўқув семинари уюштирилди.

Семинарда Ўзбекистон Республикасининг "Меҳнат муҳофазаси тўғрисида"ги қонуни талабларига, мазмун-моҳиятига тўлиқ тўхталиб ўтилди.

Семинарни ўтказишдан мақсад "Ўзбекистон почтаси" ОАЖда ходимларнинг меҳнат хавфсизлигини таъминлаш, меҳнат шaroитларини яхшилаш, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишлар ва касб касалликларининг олдини олишдан иборатдир.

pochta.uz

## "Матбуот тарқатувчи"

Фарғона вилояти "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхонаси жамоаси вилоят аҳолисининг маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий ахборотларга бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қондириш ҳамда ҳукуматимизнинг бу борада қабул қилган қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида корхонанинг шаҳар ва туманлардаги бўлимлари орқали даврий нашрлар сотуви ва обунасини уюштирмоқда.

— Корхонанинг Учқўприк, Қува ва Бешарик туманлари ҳамда Фарғона шаҳри бўлимлари ўзлари хизмат кўрсатувчи ҳудудларда фаолият кўрсатувчи корхона, муассаса, ташкилот, мактаб, коллеж, мактабгача таълим муассасалари ҳамда аҳоли учун вақтли матбуот нашрларига обунани намунали ташкил этишга эришмоқда — дейди "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхона раҳбари Башоратхон Жалилова. — Матбуот нашрларини тарқатиш, белгиланган манзилларга етказиб беришда корхонамизда тезкорлик ва сифат, аҳолига кўнглидагидек хизмат кўрсатиш талаб этилади. Шунинг учун хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишни белгилаб қўйдик. "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компаниясининг "2011-2014 йиллардаги вақтли матбуот нашрларини тарқатиш тармоғини замонaviйлаштириш ва хизматларининг янги турини жорий этиш дастури"га асосан фаолиятимизда режалаштирилган ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, жорий йилда 145та "Матбуот" дўконидан 37таси мукамал таъмирдан чиқарилиди. Мустақиллик байрами арафасида вилоят маркази ва шаҳар ҳамда туманларга 26та замонaviй кўринишдаги киосклар ўрна-

## — кўмакчи

тилди. Бундан ташқари, жорий йил охиригача яна бир нечта замонaviй киоскларни вилоят, шаҳар, туман марказларига ўрнатиш режалаштирилган.

Аҳоли гавжум, йирик ташкилотлар жойлашган ҳудудларда "Матбуот" дўконлари орқали ҳам вақтли матбуот нашрларига обуна ташкил этилади. Бундан ташқари, муштарийлар яратилган

OBUNA-2013

кулайликлардан фойдаланиб, ўзлари ёқтирган нашрларга тез ва қулай шaroитда обуна бўлиш имкониятига эга бўлишади. Шунингдек, "Матбуот тарқатувчи" АКнинг веб-сайтига кириб ҳам даврий нашрларга интернет орқали обуна бўлиш йўлга қўйилган.

Вилоят "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхонаси вилоятда обуна тўловларини пластик қарточкалари орқали қабул қилишни ташкиллаштириш, миқозларга қулайлик яратиш мақсадида корхона шохобчаларига 17та терминал ўрнатди.

— 2013 йилда Марғилон шаҳрининг кўплаб ташкилот, корхона ва муассасаларига ҳамда хонадонларга газета ва журналларни ўз вақтида етказиб беришга таратдуд кўряпмиз, — дейди шўъба корхонанинг шаҳар бўлими бошлиғи Умид Махмудова.

— Обуна каталогига киритилган нашрларнинг нархини пасайтириш ва обунани юқори савияда уюштириш мақсадида "Матбуот" дўконлари орқали кенг қўламли тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Дарҳақиқат, марғилонлик матбуот тарқатувчилар обуна мавсумини хар томонлама муваффақиятли яқунлашга бутун куч ва ғайратларини ишга солишган. Бунда шаҳар ҳокимининг 2012 йил 15 сентябрдаги "Шаҳарда 2013 йил учун даврий матбуот нашрларига обунани уюшқоқлик билан ташкил этиш тўғрисида"ги фармойиш дастуриламал бўлмоқда.

Муҳаммаджон МАХМУДОВ

### XABAR LUG'AT

**АЛГОРИТМ** — атама ўрта асрларда яшаб фаолият юритган буюк ватандошимиз Ал-Хоразмий номидан олинган. У ўзи кашф этган ўнли санок тизимида 825 йилдаёқ тўртта арифметика амалини бажариш қоидаларини берган. Арифметика амалларини бажариш жараёни эса "алхоразм" деб аталган. Бу атама 1747 йилдан "алгорисмус", 1950 йилга келиб эса "алгоритм" дея номланди. Компютерлар пайдо бўлиши билан алгоритм атамаси ҳозирги маъноси билан ахборот технологиялари соҳасидаги энг асосий амаллардан бири бўлиб қолди.

## Ўзбекистон Республикаси худудида ягона солиқ тизими амал қилади. Солиқлар жорий қилишга фақат Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳақли.



Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси,  
XXV боб, 123-модда.

Мамлакатимиз иқтисодиёти барча соҳаларининг мутаносиб равишда барқарор ўсиши ҳамда таркибий ўзгаришлар ва модернизациялашнинг таъминлаш, энг муҳим тармоқларни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш юзасидан кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Айниқса, аҳолига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида эришилаётган ютуқлар алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бунда дав-

Норин почта алоқаси тармоғи ва туман телекоммуникациялар боғламаси жойлашган бино реконструкция қилиниб, худудда тўла ободонлаштириш ва кўламаздорлаштириш ишлари амалга оширилди.

Мингбулоқ, Поп, Чортоқ, Тўрақўрғон, Норин почта алоқаси тармоқлари ва Наманган шаҳар ишлаб чиқариш участкасида пайнет тизими жорий этилиб, ҳозирда мобил алоқа операторларининг кўрсатган хизматлари учун тўловлар қабул қилинмоқда. Шу-

## Ҳамжиҳатлик — ютуқлар гарови

латимиз томонидан алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасини ривожлантиришга қаратилган эътибор муҳим аҳамият касб — SARHISOB

Шу нуқтан назардан жорий йилнинг ўтган 9 оyi мобайнида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Наманган филиали ва таркибдаги тармоқлар томонидан амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинганда бир қатор ижобий ўзгаришларга эришилганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар режаси 101,8 фоизга бажарилиб, 2011 йилнинг шу даврига нисбатан 116,5 фоизга ўсишга эришилди. Бунда бевосита чиқувчи почта жўнатмалари: хат-хабарлар 690,4 минг дона, пул жўнатмалари 39,7 минг дона, жўнатмалар 5,23 минг дона, матбуот тарқатиш (газеталар чакана савдоси билан биргаликда) 5881,9 минг донага етказилганлиги, 2012 йил 9 оyi учун белгиланган истиқбол режасининг тўлиқ бажарилганлиги эътиборга моликдир.

Аҳолига самарали хизмат кўрсатишда қулайликлар яратиш, почта алоқаси бўлимларини замонaviйлаштириш мақсадида Наманган шаҳар ишлаб чиқариш участкасининг 30-алоқа бўлими жойлашган бино мукамал таъмирдан чиқарилди, шунингдек, Чортоқ почта алоқаси тармоғининг Қорабоб, Тўрақўрғон почта алоқаси тармоғининг Хўжанд, Гулистон, Мингбулоқ почта алоқаси тармоғининг Ўзгариш, Уйчи почта алоқаси тармоғининг Жийдакапа, Наманган шаҳар ишлаб чиқариш участкасининг 5 ва 16-алоқа бўлимларида жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Филиал таркибдаги Косонсой, Мингбулоқ, Уйчи ва Чуст почта алоқаси тармоқлари техник мустаҳкамлик талаблари бўйича қайта жиҳозланди.

нингдек, жорий йилнинг июн ойидан бошлаб Учқўрғон почта алоқаси тармоғи таркибдаги Учқўрғон-1 алоқа бўлими жойлашган бинодо компьютер техникаси, мобил телефонлар ва бошқа техникаларни тузатиш шохобчаси ишга туширилди. Натияжада қўшимча иш ўринлари яратилди.

Хисобот даврида Наманган шаҳар ишлаб чиқариш участкаси ва Чуст, Чортоқ туман почта алоқаси тармоқларида жами учта касаначилик асосида, Тўрақўрғон туман почта алоқаси тармоғида битта алмашувчи алоқа бўлими бошлиғи янги иш ўрни ташкил этилди.

Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий билимларини мустаҳкамлаш, янги ташкил этилган хизмат турларига иқтисодлаштириш ва малакасини ошириш мақсадида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ, филиал ва бошқа малака ошириш муассасаларида ташкил этилган ўқув машғулотлари ва малака ошириш курсларида жами 261 нафар ходимнинг малакаси оширилди.

Вилоятдаги соҳага оид касб-хунар коллежлари билан ҳамкорликда малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида 2012 йил апрел-июн ойларида 113 нафар коллеж ўқувчилари почта корхоналарида ишлаб чиқариш ва дипломолди амалиётларини ўтадилар. Уларга малакали мутахассислар бириктирилиб, керакли шарт-шaroитлар яратиб берилди. Почта хизмати йўналиши мавжуд бўлган Наманган транспорт ва ахборот технологиялари касб-хунар ҳамда Янгиқўрғон алоқа ва компютер технологиялари касб-хунар коллежларида филиал томонидан ташкил этилган почта синфлари қўшимча равишда керакли жиҳозлар билан таъминланди. Жорий йилнинг июл-сентябр ойларида касб-хунар коллежларининг 21 нафар битирувчиси иш билан таъминланди, ҳозирда почта корхоналарида меҳнат қилинмоқда.

У.МАМАТОВ,  
"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ  
Наманган филиали ПАТЭБ  
бошлиғи

## Xalqaro hayot

**"СЭНДИ"** Нью-Йоркдан ташқари яна қўлаб штатларга фавқулодда совуқ ҳаво оқимини олиб келган. Ғарбий Мэрилендга 70 см., Ғарбий Виржиния тоғларига бир метргача қалинликда қор ёқгани хабар қилинди. Тўфонларни тадқиқ қилувчи миллий марказ "Сэнди" Атлантик-сити шаҳри қирғоғига чиққач, тўфон макомини йўқотиб, тропик шамолга айланганини маълум қилган.

Маълумотларга кўра, тўфон зарбидан саккиз миллионгача киши электр энергиясиз қолган. Худудларда мажбурий эвакуация эълон қилинган. Фавқулодда ҳолат эълон қилган етти штатга 7000га яқин миллий гвардия ҳарбийлари тўфон оқибатларини бартараф қилиш ва жабрланганларга ёрдам кўрсатиш учун жўнатишган.

Маълумотларга кўра, "Сэнди" тўфони Америка иқтисодига 20 миллиарддан зиёд зарар келтирди.

**ЖАҲОН САЙЁҲЛИК ТАШКИЛОТИ** маълум қилишича, 2012 йилнинг охирига бориб, дунё бўйлаб мазкур йилда амалга оширилган хорижий саёхатлар сони миллиардга етди. Бундай ҳолат жаҳон сайёҳлик тарихида биринчи марта кузатилаётган.

**ИСПАНИЯ**да ишсизлар сони тобора ортиб бормоқда. Европадаги энг ривожланган мамлакатлардан бири бўлган мазкур давлатда жорий йилнинг учинчи чорагида ишсизлик даражаси рекорд кўрсаткич — 25 фоизни ташкил этди. "Reuters" ахборот агентлигининг маълум қилишича, Испанияда бу каби нохуш ҳолат 1970 йилдан буён кузатилмаган.

**НИДЕРЛАНДИЯ**да велосипедлар ҳаракати учун алоҳида йўллар қурилиши бошланди. Махсус қорғашма билан қопланган бундай йўллар кишининг изирин қулариди ҳам музламайди. Бу ёнгичарчилик вақтида ҳам ҳеч қандай хавотирсиз велосипеддан фойдаланиш имконини беради.

Мутахассисларнинг фикрича, мамлакатнинг Эютфен ва Утрехт шаҳарларида қуриладиган мазкур янги йўллар ноқулай об-ҳаво шароитида велосипеддан фойдаланувчилар ўртасида юзага келадиган ҳалокатларни камайтиришга хизмат қилади.

**ЧЕХИЯ**нинг Прага шаҳридаги мактабларга бошланғич синф ўқувчиларга беғул мева тарқатиш йўлга қўйилди. Энди болакайлар тушлик вақтида истаганча мева ва сабзавот маҳсулотларидан истеъмол қилиши мумкин. Мамлакат ҳукумати томонидан амалга оширилаётган "Мактабларга сарқил мева" лойиҳасига кўра, тўғсон икки фойз бошланғич синф ўқувчиси бундай мева ва сабзавот маҳсулотлари билан таъминланади.

Шифокорларнинг сўзларига кўра, олти ёшдан ўн ёшгача бўлган болалар мева ва сабзавотларни мунтазам истеъмол қилиши зарур. Бу уларнинг ақлий фаолияти ривожланишига ва jisмонан бақувват бўлиб вояга етишига ёрдам беради.

**ТАИЛАНД**да велосипедлар жамоат транспортга айланмоқда. Мамлакат ҳукумати томонидан ишлаб чиқилган лойиҳага кўра, велосипедларни ижарага бериш, метро, автобус ва шаҳар электропоездлари бекатлари атрофида эллиқдан зиёд велосипед тўхташ жойларини қуриш мўлжалланмоқда. Бу эса велосипеддан фойдаланувчи йўловчилар учун қўлаб қулайликлар яратди. Хавога чиқарилаётган зарарли газлар миқдори камайтирилади.

Бангкок дунёда автомобил катнови энг тирбанд шаҳарлар сирасига кирди. Мамлакат йўлларидаги автомобил тирбандлигини бартараф этиш мақсадида ижарага берилаётган велосипедларнинг биринчи ўн беш дақиқаси беғул, қолган вақтда соатига қараб пул тўланади.



(Давоми. Бошланғич 1-бетда.)

## Миллий кутубхона

Ўтган йили янгидан қуриб фойдаланишга топширилган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси китобхоналар, таълим, маънавият ва маърифат фойдаланиш, талаба-ёшлар, бутун халқимиз учун чинакам совға бўлган.

Катта китоб захирасига эга ушбу маърифат масканида 200 минг ноёб ва нодир нашрлар, 1,8 млн. турли китоблар, 2,5 млн. даврий нашрлар, 1 млн. бирлик илмий-техник ҳужжатлар ва 547 минг микроформа, 370 минг бирликда



Роман МАТУЛСКИЙ, Беларус Республикаси Миллий кутубхонаси бош директори:

— Бундан аввал ҳам Ўзбекистонга келганман. Умуман олганда, кутубхоначилик соҳасидаги алоқаларимиз яхши йўлга қўйилган. Бироқ Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг янги биносига биринчи бор келишим. Ҳафталик баҳонасида ушбу маърифат саройи билан яқиндан танишиб чиқиш ниятим бор. Унинг иш тартиби, қўллавилаётган замонавий технологиялар ҳақида батафсил ўрганиб, орттирган тажрибамдан ўз кутубхонамиз ишида фойдаланишни режалаштириб қўйганман.

Бундан кейин ҳам ҳамкорлигимиз давом этади. Қолаверса, ҳозирги кунда ахборот технологиялари кўмағида масофадан туриб ҳамкорликни кенгайтириш имкони бор. Бу борада кутубхоналараро электрон тармоқини, ягона базани шакллантириш борасида ҳам ишлар олиб боришни мақсад қилиб қўйганмиз.

# “Infolib”

Ушбу маърифат масканида 200 минг ноёб ва нодир нашрлар, 1,8 млн. турли китоблар, 2,5 млн. даврий нашрлар, 1 млн. бирлик илмий-техник ҳужжатлар ва 547 минг микроформа, 370 минг бирликда чет эл адабиётлари, 550 минг авторефератлар, 14 мингдан ортиқ диссертациялар сақланади.



Антон ЛИХОМАНОВ, Россия Миллий кутубхонаси бош директори:

— Ўзбекистоннинг ёшларига, китобхоналарига ҳавасим келаяпти. Шундай мухташам ва қулайликларга эга маърифат саройи уларга хизмат кўрсатмоқда. Бу нимадан далолат? Бу — мамлакатнингизда ёшларга, уларнинг таълим-тарбиясига улкан қамқувчилик кўрсатилаётганидан далолатдир.

Ушбу ҳафталик нафақат Ўзбекистонлик кутубхона мутахассислари ва фойдаланувчилари учун, балки биз учун ҳам фойдали ва самарали бўлишига ишонман. Чунки ушбу тадбирда кутубхоначиликнинг замонавий усуллари, тажриба ва янгиликлар ҳусусида сўз боради, ўзаро фикр алмашилади.

## Очилиш маросими


Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Мағбуот ва ахборот агентлиги, "Ўзархив" агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Ҳафталикнинг очилишида сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, ўқитувчилар, маънавият тарғиботчилари, талаба ёшлар, хорижий давлатлар кутубхоналарининг вакиллари қатнашди.

чет эл адабиётлари, 550 минг авторефератлар, 14 мингдан ортиқ диссертациялар сақланади.

Бундай улкан маънавий хазинани китобхоналар ихтиёрига тақдим этиш, нодир асарларни асраб-авайлаш, уларнинг электрон шаклларини яратиш устида тўхтовсиз ишлар олиб борилапти. Бунинг учун Миллий кутубхона етарли даражада техник жиҳозлар билан таъминланган, асарларни доимий ва давомли тартибда электрон шаклга ўтказиш билан шуғулланадиган мутахассислар фаолият олиб боришмоқда. Жумладан, юртимизнинг XIX асрдаги ҳаёти ҳақида маълумот берувчи жаҳонда ягона бўлган 594 жилдан иборат "Туркистон тўплами", қимматли тарихий фотосуратлар жамланган "Туркистон албому" ва бошқа шунга ўхшаш бир қанча манбалар тўлиқ электрон шаклга ўтказилган.

Маърифат масканидаги барча жараёнларнинг компютерлаштирилгани, бу соҳага илғор ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилаётгани, юқори малакали, хорижий тиллар, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан бохабар мутахассисларнинг ишлаётгани ўқувчи учун зарур адабиётни тез, осон топиш, улардан унумли фойдаланиш имконини беришти. Миллий кутубхонада заллар сони 24тани, жумладан, ўқув заллари сони 13тани ташкил этади. Ўқув залларидаги ўринлар сони — 700та.



# “O‘zbekiston”

Сўзга чиққанлар бугунги кунда мамлакатимизда ёш авлоднинг билими ва дунёқаролини кенгайтириш учун яратилган шарт-шароитлар, кутубхона йўналишидаги ўзгаришлар, бу борада амалга оширилаётган ислохотлар, ҳафталикдан кўзланган мақсад ва вазифалар ҳақида гапиришди. Тадбирга ташриф буюрган меҳмонлар Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг имкониятлари ва улусворлигидан хайратларини ашира олишмади.

## Янги адабиётлар ярмаркаси ва кутубхона бўйлаб саёҳат

Очилиш маросими якунланганидан сўнг меҳмонлар учун янги адабиётлар ярмаркаси, экспозиция ва кўргазмалар ташкил этилди. Шунингдек, кутубхона бўйлаб мавзули экскурсиялар ташкил этилди.

Ярмаркада турли нашриётларда чоп этилган энг сўнгги адабиётлар, қўлланмалар, нашрлар ташриф буюрувчиларга тақдим этилди.

Кутубхона бўйлаб саёҳат бинонинг биринчи қаватидан бошланиб, иккинчи, учинчи ва тўртинчи қаватлардаги ўқув залларигача давом эттирилди.

Меҳмонлар биринчи қаватдаги китоблар музейи, кутубхонага аъзолик учун рўйхатга олиш хизмати, китоб кўргазмалар заллари билан танишдилар. Музейдаги экспонатлар — Қўлёзмалар, нодир ва алоҳида қимматга эга нашрлар хизмати фондидagi энг қадимий, энг нодир китоблар коллекциясидан олинган баъзи намуналар меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Иккинчи қаватдаги “Ўзбекистон”, “Адолат”, “Китобхоналар каталоги”, “Электрон каталог” ўқув залларида ўзбек ва рус тилларида мамлакатимиз тарихи ва ўзбек миллий адабиётига оид нашрлар, юридик соҳага оид ҳуқуқий-меъриёв ҳужжатлар ва бошқа манбалар жамланган. “Электрон каталог” залида китобхона китобининг муаллифи, сарлавҳаси ёки калит сўзлар (қидирув шакллари 10дан ортик) ёрдамида зарур адабиётларни тез ва қулай тарзда излаб топиши мумкин.

Кутубхонанинг 3-қаватида “Тафаккур”, “Истикбол” каби ўқув заллари хизмат кўрсатади. Барча залларда интернет тармоғига уланган замонавий компьютерлар китобхоналар ихтиёрида.

Кутубхонанинг 4-қаватида “Жаҳон”, “Бунёдкор”, “Нодир”, “Илм” каби ўқув заллари жойлашган. Хорижий тилдаги адабиётлар фондида дунёнинг 75 тилида чоп этилган 370 000га яқин нашр мавжуд бўлиб, адабиётларнинг 60 фоизини инглиз, 30 фоизини бошқа европа тиллари ва 10 фоизини Шарқ, Австроосиё, Африка ва бошқа тиллардаги ҳужжатлар ташкил этади. Саёҳат давомида кутубхона дунёнинг 13 мамлакати, 24та халқаро ташкилот билан ҳамкорликни йўлга қўйганлиги маълумот учун айтиб ўтилди.

“Нодир” ўқув залида нодир ва алоҳида қимматга эга ўн олти мингдан ортик ноёб асарлар сақланмоқда. Жумладан, XVI-XIX асрларда Мовароуннахр, Хуросон, Туркистон заминидан битилган қўлёзма ва тошбосма асарлар. XVII-XVIII асрларда Фарбий Европада чоп этилган китоблар кутубхонанинг нодир ёдгорликларидан саналади.

Хатталик доирасида ўтказилган ижодий кўрик-танловлар, викториналар, маҳорат сабоқлари ёшларнинг адабиёт, musiқа, ахборот-коммуникация технологиялари, тасвирий санъат борасидаги билимини янада бойитиш, истеъдодини аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш ва

лотлари вакиллари иштирокида учрашувлар бўлиб ўтди.

Ташкилотчиларнинг эътирофича, ҳафталик доирасида ўтказилган ижодий кўрик-танловлар, викториналар, маҳорат сабоқлари ёшларнинг адабиёт, musiқа, ахборот-коммуникация технологиялари, тасвирий санъат борасидаги билимини янада бойитиш, истеъдодини аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш ва



**Конференция ишида Россия ва Беларус Миллий кутубхоналари, Украина Миллий парламент кутубхонаси, Германиянинг Ex Libris компаниянинг директорларининг, шунингдек, мамлакатимиз кутубхона соҳаси мутахассисларининг маърузаларини тингладиди.**

рабатлантириш имконини беради.

“Фойдаланувчилар сари бир қадам” мавзудаги илмий-амалий конференция, “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг амалиётга жорий этилиши ва соҳадаги долзарб вазифалар”, “Келажакка интилаётган кутубхона” мавзудаги давра суҳбатлари эса мамлакатимиз ва хорижнинг кутубхоначилик йўналишидаги етакчи мутахассисларини тўллади. Конференция ишида Россия ва Беларус Миллий кутубхоналари, Украина Миллий парламент кутубхонаси, Германиянинг Ex Libris компаниянинг директорларининг, шунингдек, мамлакатимиз кутубхона соҳаси мутахассисларининг маърузалари тинланди.

Тадбирларга бой ўтган ҳафталик ахборот-кутубхоналар фаолиятини янада такомиллаштириш, соҳага замонавий технологияларни жадал жорий этиш, илғор тажрибаларни омдалаштиришда, кутубхоналарга янада кўпроқ фойдаланувчиларни жалб қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қилишига шак-шубҳа йўқ. Зеро, беш кун давомида Ўзбекистон Миллий кутубхонаси соҳа мутахассислари учун улкан тажриба ва фикр алмашиш майдонига, минглаб китобхон ва фойдаланувчилар учун эса ўзига хос маърифат даргоҳига айланди. Унинг баҳонасида замонавий талабларга тўла-тўқис жавоб берадиган Миллий кутубхона фойдаланувчилари сафи ортиб, уларнинг ахборот-кутубхонадан фойдаланиш қўникма ва маданияти янада шаклланди.

**Лутфилло ТУРСУНОВ**

## Ҳафталик доирасидаги тадбирлар

Ҳафталикнинг ҳар бир куни “Очиг эшиклар куни”, “Танловлар куни”, “Ижодий кун”, “Қизиқарли учрашувлар куни”, “Мутахассислар куни” каби муайян мавзуларга бағишланди. Улар доирасида кутубхонага экскурсиялар, давра суҳбатлари, маърифий акциялар, кўргазмалар, маърифат даргоҳи видеотекасидаги фильмлар намойиши ўтказилди. Шу билан бирга, машҳур ёзувчи ва шоирлар, мусаввирлар, режиссёрлар, ёшлар ва жамоат ташки-

**Миллий кутубхонада заллар сони 24тани, жумладан, ўқув заллари сони 13тани ташкил этади. Ўқув залларидаги ўринлар сони — 700та.**

# ИНФОРМАЦИОННАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ

## В СФЕРЕ СВЯЗИ И ИНФОРМАТИЗАЦИИ

30 октября 2012 года, в Музее истории связи состоялся ежегодный республиканский семинар "Информационная безопасность в сфере связи и информатизации. Проблемы и пути их решения". В ней приняли участие более 100 представителей из министерств и ведомств, предприятий сферы связи и информатизации.



Целью семинара является изучение тенденций и проблем информационной безопасности отрасли, совершенствование информационно-коммуникационных технологий, ознакомление участников семинара с различными видами угроз информационной безопасности, определение стратегических направлений по обеспечению информационной безопасности и обмен опытом в этом направлении, подготовка и переподготовка кадров.

Организаторы семинара: Государственный комитет связи, информатизации и телекоммуникационных технологий Республики Узбекистан, Центр "UNICON.UZ" и Научно-техническое общество радиотехники, электроники и связи Узбекистана.

В ходе семинара было заслушано следующие доклады:

- "Особенности шифрования электронной цифровой подписи";

- "Как снизить информационные риски, внедряя процесс управления уязвимости";

- "Решения по информационной безопасности Symantec";

- "Безопасность локальной сети";

- "Организация контроля по соблюдению информационной безопасности на предприятии";

- "Вопросы информационной безопасности в технологии доверительной третьей стороны";

- "Основные нормативные документы по оценке защищенности информационных систем" и другие.

В завершении семинара состоялся обмен мнениями между участниками, а также дискуссии по представленным докладам.

aci.uz

## Подведены итоги Дня конкурсов, проведенных в рамках Национальной информационно-библиотечной недели

30 октября т.г. в рамках Национальной информационно-библиотечной недели состоялся День конкурсов по четырем направлениям:

- Лучший видеоролик
- Быстрый поиск
- Знатоки музыки
- Знатоки литературы

На конкурс "Лучший видеоролик", проведенном в киноцентре библиотеки, были представлены авторские работы следующих участников:

- 1) Хамидов Муҳиддин
- 2) Джалилова Дильноза
- 3) Закирова Кристина
- 4) Софин Рустам

В связи со сложностью подготовки видеороликов конкурс был продлен до конца Недели. Оргкомитет продолжает принимать видеоролики от всех желающих. Награждение победителей конкурса состоится в пятницу, 2 ноября, на церемонии закрытия Недели.

В конкурсе "Быстрый поиск", проведенном представителями социальной сети Muloqot.uz в зале Электронной библиотеки, победили следующие участники — пользователи библиотеки:

- 1 место — Наврузов Элбек
- 2 место — Субанов Шохжахон
- 3 место — Хужабердиев Элмурод
- 4 место — Рахмоналиев Анвар
- 5 место — Содиков Элмурод

Победители были награждены ценными и памятными призами, как от Национальной библиотеки, так и от Muloqot.uz. Им были вручены MP3-плеер, беспроводная мышка, флешка 8 ГБ, книги, футболки и т.д.

В конкурсе "Знатоки музыки", проведенном в зале "Ижод", приняли участие студенты и школьники музыкальных учреждений.

В конкурсе победили следующие



участники:

1 место — Жамалова Наргиза, студентка Государственной консерватории

2 место — Озодходжаев Достонхон, ученик музыкальной школы №1

3 место — Атамудлаева Феруза, студентка Государственной консерватории.

Победителям конкурса были вручены MP3-плеер, беспроводные наушники, льготные купоны на пользование услугами Национальной библиотеки и книги.

В конкурсе "Знатоки литературы", проведенном в зале "Тафаккур", участвовали студенты и школьники образовательных учреждений.

В конкурсе победили следующие участники:

1 место — Жавлиев Жавлон, студент Института искусств и культуры

2 место — Жумаев Мансур, студент Узбекского государственного университета мировых языков

3 место — Рахмонкулов Икром, студент Института востоковедения

Победителям конкурса были вручены MP3-плеер, флешка 8 ГБ, льготные купоны на пользование услугами Национальной библиотеки и книги.

Национальная библиотека Узбекистана выражает благодарность всем организаторам конкурсов, членам жюри, спонсорам, а также участникам за проявленный вклад в проведение Дня конкурсов.

## НОВОСТИ В СФЕРЕ ИКТ

### Хакеры получили доступ к ПД более 10 млн. человек

Полиция подчеркивает, что выявленная утечка персональной информации является крупнейшей в истории Японии. Пятеро злоумышленников арестованы. Вредоносные программы маскировались под популярные игры-приложения для телефонов на базе ОС Android.

### Китай заявляет о планах по созданию 100- петафлопсного суперкомпьютера

Буквально вчера в США было объявлено о создании одного из мощнейших суперкомпьютеров современности — Titan мощностью 20 петафлоп/сек. Однако в Китае говорят, что уже сейчас ведут проектирование собственного суперкомпьютера, мощность которого в пять раз будет превышать мощность Titan, причем этот суперкомпьютер будет работать на базе процессоров собственного китайского производства.

В Суперкомпьютерном центре Гуаньчжоу, где суперкомпьютер будет расположен, говорят, что новый вычислительный узел Тяньцзэ-2 будет введен в строй в 2015 году.

### В России заработал закон о "черном списке" интернет-сайтов

В России вступил в силу новый закон о "черных списках" сайтов в интернете. Изначально он имеет своей целью защиту детей от "вредной информации", однако практическая реализация закона такова, что прикрываясь им, можно закрыть в сети почти любой сайт. Еще больше критики у экспертов вызывает то, что закрыть любой сайт можно без решения суда и очень быстро — просто вписав соответствующий сайт в единый реестр.

Независимые эксперты говорят, что изюминка закона в том, что даже на суде самым отъявленным преступником дают слово в свою защиту, здесь же владельцев сайтов никто спрашивать не планирует.

### Американские студенты превратили перчатку в мобильную клавиатуру

К задней стороне перчатки крепится специальная плата, которая выполняет команды пользователя. Она передает сигнал на компьютер, синтезатор или мобильный телефон по каналу Bluetooth. Пользователю достаточно прикоснуться к определенным точкам перчатки.



### Ураган "Сэнди" стал второй самой обсуждаемой темой в Facebook за год



Согласно статистике социальной сети Facebook ураган "Сэнди" уже стал второй самой обсуждаемой в соцсети темой (первая — американский чемпионат Super Bowl) для США.

По данным инструмента Facebook Talk Meter, тема "Sandy" набрала за последние дни 8,34 балла по 10 балльной шкале пользовательского интереса. Также высокие баллы в Talk Meter по США показали первые дебаты Обама-Ромни (8,18 балла), дебаты вице-президентов (6,76 балла), награждение Оскар (6,74 балла), соревнование World Series (6,71 балл) и ураган Айзек (5,24 балла).




# Хабарлар +tv

2012-йил 2-ноябр  
44 (1050)-сон

Хабарлар

## ДУШАНБА — 5 НОЯБР




5.55 Кургузулар тартиби.  
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"  
7.00 Андерсен айтивлари / М/с.  
7.25 "Кўнгила кўнжик истайдилар"  
7.35 "Икким"  
7.40 "Одам ва одам" дастури: "Ғаройиб шарҳларлар"  
8.00 "Ғажибона"  
8.40 - 9.40 "Милыанин" дастури.  
9.40 "Моҳир кўлавлар"  
9.50 "Тонгги гапелар", Т/с.  
10.40 "Ғаройиб дунё"  
11.00 "Алборот"  
11.20 "Ватанларим"  
11.55 "Икким"  
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"  
12.50 "Кўнгила кўнжик истайдилар"  
13.00 "Нон исси", Т/с.  
13.40 "Эне студияси: Этноқадр мустақамлиги йўлида"  
14.00 "Алборот"  
14.15 Миллий кино: "Суюнғил"  
15.30 "Икким"  
15.55 "Одам ва одам" дастури: "Тириск сайёра"  
16.25 "Мен - ёшланкам"  
16.40 "Икки дарё оралиғида"  
17.00 "Алборот"  
17.10 "Ватан манзиллари"  
17.25 "Ифтихор"  
17.30 "Эрталаб - яшилмоқ спектакл"  
18.00 "Кўнгила кўнжик истайдилар"  
18.10 ТВ - шафқор"  
18.15 "Корона - дарё"  
18.35 "Икким"  
18.40 "Доктор Хур"  
19.25 20.00, 20.55 Этноқадр.  
19.30 "Алборот" /рус/.  
20.05 "Отини мерос"  
20.20 Миллий сериал: "Умр манзиллари"  
21.00 "Алборот"  
21.40 "Корона"  
22.00 "Мудаббат тоғин", Т/с.  
22.40 "Икким"  
22.45 "Комиссар Реке", Т/с.  
23.30 "Одам ва одам" дастури: "Ғаройиб шарҳларлар"  
Шуларни инобатга олган ҳолда юртимизда компьютер ва ахборот технологиялари, телекоммуникация ва маълумот узатиш тармоқларини, интернет хизматларини ривожлантириш ва замонавийлаштириш, уларни дунё стандартларига етказиш ва шу асосда ахборотлашган жамият сари жадал интилиш мақсадида кенг қўламли чора-тадбирлар қўрилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 июлдаги "Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 117-ҳамда 2007 йил 23 январдаги "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси телекоммуникация тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш тўғрисида"ги 572-қарорлари ҳудди шу мақсадда қабул қилинган. Биргина вилоятда ҳам бу борада эътиборга молик ишлар кўзга ташланади.

— Вилоятда оптик толали алоқа линиясига ўтиш ҳам жадал олиб бориляпти. Техник ва технологик жиҳатдан олиб қаралса, мис толали кабелларга кўра оптик толали кабелларнинг афзалликлари ниҳоятда кўп, — дейди "Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиали тармоқни ривожлантириш ва эксплуатация қилиш бўлими бошлиғи Нурмадат Зоиров. — Оптик толали

кабеллар мис толали кабелларга нисбатан бир неча баробар енгил ҳам. Бунинг бир толасидан жуда кўп телефон каналларини ҳосил қилиш мумкин. Энг асосийси, сигналлар охириги нуктагача бир зумда ҳеч бир техник носозликларсиз аниқ ва тиник етиб боради. Қарши ва Термиз шаҳри оралиғида давлат аҳамиятига молик магистрал Халқаро оптик толали кабелли хизматларини ривожлантиришга ишга туширилди. Ушбу трасса йўналишидаги Ғузор, Дехқонобод ва Қорашина масканларида янги рақамли АТСлар мазкур алоқа линиясига уланиш имконини берди. NGN технологиясини қўллаш бўйича бир қанча туманларда қайта реконструкция қилиш ишлари амалга оширилиб, фойдаланиб келинаётган "Алкател" станцияларининг ўрнига Хитойнинг ZTE корпорацияси MSAN русумидаги усқунларини туманларнинг кўплаб масканларида ўрнатиш амалга оширилмоқда. Мустақиллик байрами арафасида вилоятнинг Касби, Яккабоғ ва бошқа туман марказларида "Ягона ойна" тамойили асосидаги янги савдо нукталари ўз фаолиятини бошлади. Йил охирига қадар яна қолган туманларда шундай янги савдо нукталари хизматидан фойдаланиш йўлга қўйлади. Айни пайтда FTTH технологияси асосида Китоб, Шахрисабз, Муборак туманларида қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмақда.

Ишончли, юқори сифатли алоқа воситалари давлат салоҳияти, унинг иқтисодиёти равақини белгилайди. Қолаверса, аҳоли эҳтиёжига ҳам сал-

моқли хизмат кўрсатади. Шу сабаб вилоят туманлари бўйлаб туман марказлари ҳамда аҳоли масканларида ҳамда шаҳарлараро юзлаб километр масофада алоқа кабеллари ўтказилган. Республика алоқа тармоқини тақомиллаштиришда оптик кабеллар қўлланилиши туфайли юқори сифатли алоқа хизмати турларини ташкил этиш имкони туғилди.

— Ҳозирда вилоятимизда кенг қўламли қурилиш ишлари олиб бориляпти — дейди Нурмадат Зоиров. — Қурувчиларимиз шунинг унутмасликларни керакки, ерости алоқа кабеллари учун ажратилган эни 4 метрли мухофаза зонасида рухсатсиз ҳар қандай ер қазиш ишларини олиб бориш ман этилиб, алоқа кабелли ўтган жойларни аниқлаш ишларини фақатгина кабел линияларига хизмат кўрсатувчи цех ишчиси махсус кабел кидирувчи асбоби билан амалга ошириши мумкин. Алоқа линиялари шикастланиши натижасида келтирилган моддий зарар айбдор шахслардан ундирилиб олинади. Бу борада филиалимиз муҳандислари маҳаллий оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиб, қурилиш ишлари олиб борилаётган участкаларда тарғибот ишларини кучайтиришяпти. Кенг жамоатчиликка ердан фойдаланувчи барча турдаги мулк эгалари телекоммуникация линиялари ва иншоотларни қўриқлаш қоидаларига кўра, шаҳарлараро ва аҳоли масканларидан ташқарида ўтган алоқа линиялари "Кабел! Қазилмасин!" ёзувлари бўлган бетон устунчалари ҳамда кабел линияларини эксплуатация қилувчи корхона номи ва телефони кўрсатилган махсус огоҳлантирувчи белгилар билан ажратилган бўлиб, шу ердан кабел ўтганидан дарак бериб туришини, бу каби жойларда корхона рухсатсиз ҳар қандай ер қазиш ишларини олиб бориш қатъиян ман этилиши тўғрисида суҳбатлар орқали етказилмоқда.

Ҳа, оптик алоқа кабеллари телекоммуникация хизматларини кўрсатишда асосий омил саналади. Мабоодо унга шикаст етказилса, келиб чиқадиган нафақат моддий, балки маънавий зарарнинг ҳисоб-китоби йўқ. Бир зум тўхтаган алоқа хизмати натижасида қандай ҳолат юзага келишини унутмасак бўлгани.

Афтондил ИСМОИЛОВ,  
"Xabar"нинг Қашқадарё  
вилоятидаги муҳбири



XABAR LUG'AT

**ОПТИК ТОЛА (ИНГЛ.: OPTICAL FIBRE)** — Диаметри 50-125 мкм бўлган, кўпинча кварцдан ясаладиган, юпка шаффоф тола. Оптик кабелда ёруғлик узаткичлари сифатида ишлатилади. Оптик тола, маълумотларни узатишда жуда кам йўқотиш ва ақсична, жуда кенг узатиш қобилиятига эга бўлиб, электромагнит шовқинларни сезмайдиган амалдаги бенуқсон муҳитдир.

**403-ХАТОЛИК (403 ERROR)** — интернетда ишлаётганда баъзан, саҳифани сўраганда, унинг ўрнига хатолик тўғрисида хабарни оласиз. 403-хатолик сўраётган саҳифадан эркин фойдаланиш тақиқланганини билдиради. Бу ҳолат, саҳифанинг эгаси, баъзи мулоҳазаларга кўра, фойдаланувчилардан ахборотнинг бир қисmini яширишга қарор қилгани ҳам юз берилади.



Бухоро вилоятида алоқа соҳасини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшган, бугунги кунда кексалик гаштини сураётган Шодмон ота Жумаевни кўпчилик алоҳида ҳурмат билан тилга олади. У нафақат Бухорода, балки республикаимизнинг бошқа бир қатор шаҳар ва қишлоқларида ҳам узоқ йиллар давомида замонавий алоқа иншоотларини барпо этишга ва уларни зарур техник воситалар ва анжомлар билан таъминлашга моҳирона раҳбарлик қилган.

**Ш**одмон Жумаев 1942 йили Шифиркон туманида туғилган. Умумтаълим мактабини 1958 йилда аъло баҳолар билан битириб, кизикиши ўта кучли бўлгани боис, дастлаб туман алоқа боғламасида, сўнгра Тошкент шаҳар радиоузелида радиомонтер сифатида ишлади. Бу орада Тошкент электротехника алоқа институтига ҳам таълим олди. 1964 йилда институтни муваффақиятли битириб, Бухоро вилоят алоқа бошқармасида муҳандис, лаборатория мудири вазифаларида фаолият кўрсатди. Иқтидорли мутахассиснинг эртанги кунини аниқ кўра олган соҳа раҳбарлари Ш.Жумаевни 1965 йилда Кармана тумани алоқа техника эксплуатация боғламасига бошлик этиб тайинлашди. Чўл этагидаги Конимех худуди, шунингдек, Навоий шаҳрининг бир қисми айнан ана шу туманга қарашли бўлгани учун карманлик алоқачиларнинг аксарият ҳолларда кунни тунга улаб, қишнинг аёзи ва ёнинг жазирасини писанд этмай меҳнат қилишларига тўғри келарди. Шодмон Жумаевнинг табиадан вазмин, лекин талабчан раҳбар сифатидаги салоҳияти, тоза ички дунёси, ишчи-хизматчилар қалбига йўл топа билиш санъати ўшанда меҳнат жамоасининг кундалик ишда янги ютуқларни қўлга киритишларида муҳим аҳамият касб этгани рост. Бу инсоний фазилатлар Ш.Жумаев 1967 йилдан бошлаб вилоят радио ва телефон тармоқлари дирекциясига бошчилик қилганида ҳамда орадан маълум муддат ўтиб вилоят алоқа бошқармаси бош муҳандиси лавозимда фаолият олиб борганида ҳам кўзга яққол ташланди.

Кейинчалик Ш.Жумаев Бухоро шаҳар алоқа боғламасининг бошлиғи сифатида ўз иш фаолиятини давом эттирди. Унинг раҳбарлигида Бухоро шаҳрида кўп қаватли алоқа биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу бинода 3000 рақамга мўлжалланган АТС, шаҳарлараро кўп сифимли коммутаторлар, аҳолига почта хизмати кўрсатишга мўлжалланган кенг ва ёруғ заллар бўлиб, бу ўз навбатида, алоқа соҳаси ўзининг навбатдаги янгиланиш босқичига қадам қўйганидан дарак берарди.

Қурилиш ишларида яхшигина тажриба тўплаган Шодмон Жумаевга 1975 йилда яна ишонч билдирилди. У вилоят алоқа кўчма механизациялашган жамланмасига бошлик этиб тайинланди. Шодмон ака навбатдаги масъулиятли ишни қабул қилиб олгунга қадар алоқа соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ барча қурилиш ашёлари бу ерга четдан келтирилди. Қисқа вақт ичида темир-бетон устунлари, эшик-дераза ромлари ва ҳоказоларни жамламанинг ўзида тайёрлашга муваффақ бўлинди. Жамланма бошлигининг қорхона етук мутахассислари билан бирга шаҳар ва туманларда



катта сифимдаги АТСларни ўрнатиш борасидаги сайъ-ҳаракатлари ҳам ўз самарасини берди.

— Умримнинг 38-баҳорини Қарши шаҳрида янги ташкил этилган "Ўзбекалоқақурилиш-3" алоқа қурилиш трестининг бошқарувчиси сифатида кутиб олганман, — дея эслайди Шодмон ота. — Ўшанда бу трест Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Хоразм ва Навоий вилоятлари худудида янги линиялар ҳамда жиҳозларни барпо этишдан ташқари, кўп қаватли алоқа уйлари-нинг замонавий биноларини ҳам тиклаб, радио-телевидение асбоб-ускуналарини ҳам таъмирлашни монтаж қилишни ҳам ўз зиммасига олган эди.

Аҳолиси бирмунча кўп бўлган Ғиждувон шаҳрида алоқа уйи мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Пешку ва Когон туман марказларида қад ростлаган алоқа уйлари бинолари ҳам бу худудлар хуснига ҳус қўшди. Бухоро шаҳрида телемарказ биносини барпо этишда ҳам, ундаги алоқа воситаларини монтаж қилишда ҳам Шодмон Жумаев бошчилигидаги қурилиш трести бунёдкорларининг салмоқли ҳиссаси кўшилди. 1985 йилда у яна Бухоро вилояти алоқа кўчма механизациялашган жамланмасига раҳбарлик қила бошлади.

Шифиркон туман телекоммуникациялар боғламасига 1998 йилдан бошлаб раҳбарлик қилган Ш.Жумаев қорхона ишчи-хизматчилари ва муҳандисларини, кези келганида хорижий ҳамкорларни истиқболли дастурларда белгиланган режа-топшириқларни ўз муддатида бажаришга

сафарбар эта олди. Қисқа вақт ичида туман марказидаги алоқа уйи биноси қайта реконструкция қилиниб, бир йўла 3072 нафар абонентга хизмат кўрсатиш имконига эга бўлган янги русумдаги DTS-1100 АТС, шунингдек, шаҳарлараро кўп сифимли ускуналарни ўрнатишга муваффақ бўлинди.

...Шодмон ота Жумаев нафақага

# Садоқат

чиққандан кейин ҳам бир зум тиним билмаяпти. "Жамиятга фойданг тегаётганини ҳис этиб яшашда ҳикмат кўп экан, — дейди у. — Одамлар ташвиши билан ҳаёт кечирининг ўзига хос завқи бўлар экан".

Ха, ўзи туғилиб ўсган Келачи қишлоғида маҳалла вакили эканидан ҳам, тумандаги 40-умумтаълим мактаби ота-оналар кўмитаси раиси этиб сайланганидан ҳам Шодмон отанинг боши осмонда. Ота бир қатор савоб ишларга ҳам бош-қош. Келачи ва Котён қишлоқлари аҳолиси томонидан замонавий тиббиёт масканининг ҳашар йўли билан қуриб битказилганлиги, яқинда эса — янги ўқув йили арафасида 40-умумтаълим мактабининг эски биноси ўрнида ушбу билим даргоҳининг икки қаватли қошонаси қад кўтарганлиги ана шундай савоб ва хайрли ишларга аниқ мисол бўла олади.

Мустаҳкам оила деганда шу яқин атрофдаги уйларида истикомат қилувчи кишилар кўз ўнгида, биринчи навбатда, Шодмон Жумаевлар хонадонини ҳам гавдаланади. Дарҳақиқат, мана 46 йилдирки, Шодмон ота Роҳила биби билан мазмунли, тотув ҳаёт кечириб келмоқда. Уларнинг иноқ оиласи чиндан-да ҳавас қилгулик даражада. Оилада беш нафар фарзанд вояга етган. Тўнғич ўғил Гофуржон ота касбини эгаллаб, узоқ йиллар давомида алоқа соҳасида меҳнат қилган. Оиланинг кейинги фарзанди Собиржон эса ҳозирги пайда Шифиркондаги 40-умумтаълим мактаби директорининг ўринбосари бўлиб ишлаяпти. Бир-бирдан оқила ва доно қизлари Хилола, Гулнора ва Нигоралардан ҳам, қайнонаси-ю қайнонасининг ҳурматини жойига қўядиган келин-куёвлардан ҳам Шодмон ота-ю Роҳила бибининг кўнгиллари тўқ.

Шодмон Жумаев яқинда яна бир хайрли ишга қўл урди — Бухоро вилояти алоқа соҳаси тарихи ва бугунги ҳақида ҳикоя қилувчи ихчам бир китобни нашрга тайёрлашга киришди. Ҳадемай унинг бу эзгу мақсади ҳам амалга ошади. Айтганча, Шодмон отанинг яна бир нияти бор — она қишлоғи Келачида ўзига хос бир музейни ташкил этиб, кейинги даврда, айниқса, мустақиллик йилларида рўй берган мислсиз ўзгаришларни ҳозирги ва келажак авлодлар учун абадийликка муҳрлаб қўйиш.

Отаҳоннинг барча орзу-ўйлари амалга ошсин. Унга ва оила аъзоларига мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр тилаймиз!

**Аскар ИСТАМОВ,**  
"Xabar"нинг Бухоро  
вилоятидаги мухбири

BANK VA AKT

## "Интернет-банкинг"

Мижозларга  
янги хизмат тури

"Ҳамкорбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки Марғилон филиали аҳолига кўрсатилаётган хизматлар турини ошириш, тезкор ҳамда замонавий ахборот технологияларини қўллаган ҳолда банк хизматларини кўрсатиш кўламини кенгайтириш мақсадида жисмоний шахслар учун янги хизмат — "Интернет-банкинг" тизимини йўлга қўйди.

— Янги хизматнинг қулайлиги шундаки, унга улган ҳар бир миқоз ўз вақтини тежаган ҳолда, ҳисоб рақамлари ҳақидаги маълумотларни банкка ташриф буюрмай ҳам масофадан туриб билиб олиш имкониятига эга бўлади, — дейди "Ҳамкорбанк" ОАТБ Марғилон шаҳар филиали раҳбари Шерзод Кодиров.

Мижозлар ушбу хизмат орқали банкдан олган кредит қолдиқлари, улар бўйича ҳисобланаётган фоизлар, ҳисоб рақамдаги маблағлар айланмаси, пластик қарточкалардаги ҳисоб рақамларини бошқариш имкониятига эга бўладилар. Хусусан, банк миқозлари уйда ёки сафарда бўлсин, уларга истаган нуқтадан туриб, интернетга чиқиш мумкин бўлган компьютер ёрдамида мазкур янги хизмат туридан фойдалана оладилар. "Интернет-банкинг" тизимига уланиш жисмоний шахслар учун "Ҳамкорбанк"нинг Фаргона вилоятидаги барча филиалларида амалга оширилмоқда.

## Хорижий тилда тадбир

Марғилон шаҳридаги 8-умумтаълим мактабининг Гулнораҳон Мўминова раҳбарлик қилаётган ахборот-ресурс марказида кўплаб тадбирлар ўтказиб турилади.

Яқинда ушбу зиё масканида араб ва инглиз тиллари асосида Ф.Мирзакаримова раҳбарлигидаги фан услуби бирлашмаси ҳамкорлигида "Буюк Ипак йўли", "Она шахрим — Марғилон" номли маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда иштирок этган 7 "а" синф ўқувчилари Марғилон шаҳрининг тарихи, бугунги ва келажаги ҳақида инглиз ва араб тилларида сўзлаб бердилар. Сўнгра хориж тилида мусиқий дастур ҳамда сахна кўриши намойиш қилинди. Бу тадбир ўқувчиларини чет тилларини ўрганишга бўлган кизикишини янада орттиришга хизмат қилди.

Мухаммадҷон  
МАҲМУДОВ

Хизмат

ИНСОН ФАҚАТ НИЯТНИГИНА ЙЎҚОТИШДАН ҚАЙГУРИШИ КЕРАК.  
ЧУНКИ ҲАР ҚАНДАЙ ХАЙРЛИ ИШ НИЯТСИЗ ДУРУСТ БЎЛМАЙДИ.

Ҳақим ат-ТЕРМИЗИЙ

# Янги дарсликлар

2011-2012 ўқув йилида Тошкент ахборот технологиялари университетининг "Радиотехника ва радиоалоқа" кафедраси профессори А.Абдуазизов муаллифлиги ва ҳаммуаллифлигида телекоммуникация, мобил алоқа тизимлари, телевидение, радиоалоқа ва радиоэшиштириш таълим йўналишлари талабалари учун куйидаги дарслик ва ўқув қўлланмалари ёзилди ва улар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан дарслик ва ўқув қўлланмалари сифатида фойдаланиш учун тавсия этилган.

**"ЭЛЕКТР АЛОҚА НАЗАРИЯСИ"** дарслиги. А.А.Абдуазизов томонидан ёзилган ва 2011 йилда "Fan va texnologiya" нашриётида chop этилган.

Ушбу дарсликда ахборот, хабар ва сигнал; чизикли, ночизикли, параметрик ва ночизикли параметрик радиотехник занжирларни тахлил этиш усуллари ва уларга асосланган электр алоқа асосий қурилмалари; модуляция ва детекторлаш; автогенераторлар; сигналлар ва халақитларни элементар ташкил этувчиларга ёйиш ва қайта тиклаш; сигналларга ишлов бериш; халақитбардошлик назарияси асослари; рақамли сигналлар; кўп каналли электр алоқа асослари; ахборотларни кодлаш ва узатиш усуллари; электр алоқа тизимининг самарадорлиги ва мутаносиблиги; ахборотларни криптохимоялаш асослари етарли даражада ёритилган.



**"СИГНАЛЛАРГА РАҚАМЛИ ИШЛОВ БЕРИШ"** ўқув қўлланмаси. А.А.Абдуазизов, И.Р.Фазилжанов ва Я.Т.Юсуповлар томонидан ёзилиб, ТАТУнинг "Алоқачи" нашриётида chop этилган.

Мазкур ўқув қўлланмада сигналларни таърифлаш ва сигналларга рақамли ишлов бериш умумлашган схемаси, дискрет сигналларни алмаштириш, Фурье дискрет алмаштириши (ФДА) ва тескари ФДА, Уолш алмаштириши, Адамар алмаштириши, Вейвлет алмаштириши, Z-алмаштириши, корреляция ва ўрам ҳамда уларнинг хоссалари, рақамли филтрларни яратиш асослари, рақамли филтр коэффициентларини хисоблаш, импульс характеристикаси чекли ва чексиз филтрларни лойihalаш ва унинг босқичлари, импульс характеристикаси, чекли ва чексиз рақамли филтрлар техник характеристикалари, импульс характеристикаси чекли ва чексиз филтрлар коэффициентларини хисоблаш усуллари, турли тезликларда сигналларга ишлов бериш асослари, адаптив филтрлар ҳақида асосий тушунчалар ва адаптив филтрлардан амалий фойдаланиш етарли даражада ёритилган.



**"РАДИОЭЛЕКТРОН ВОСИТАЛАР ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВИ"** ўқув қўлланмаси. ТАТУ профессор-ўқитувчилари А.А.Абдуазизов, Я.Т.Юсупов ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси мутахассислари — профессор М.М. Мухитдинов, А.Р.Гагаулина ва А.А.Арифбаевлар томонидан ёзилган ва ЎзФАнинг "ФАН" нашриётида chop этилган.

Ўқув қўлланмасида: электромагнит мослашув муаммолари; электромагнит халақитлар; радиочастоталар спектридан фойдаланишни бошқариш ва унинг ҳуқуқий асослари; радиоузатиш, радиоқабул қилиш ва антенна-фидер қурилмаларининг электромагнит мослашувга тегишли масалалари; электромагнит мослашувни таъминлаш усуллари; радиоэшиштириш ва телевидение тармоқларида частотани режалаштиришнинг техник воситалари; радиоэлектрон воситадан фойдаланишга руҳсат олиш тартиби; радиомониторинг ва радиопеленгацияга тегишли масалалар ёритилган.



## Табриклаймиз!

А.Қодирий номидаги Навоий вилоят ахборот-кутубхона маркази жамоаси АКМ касаба уюшмаси кўмити раиси ҳамда ҳужжатларга қайта ишлов бериш бўлими mudiri Мавжуда ҒОФУРОВАни таваллуд айёмининг 50 йиллиги муносабати билан самимий муборакбод этади. Унга узук умр, фарзандлари камолини кўришни тилашади.

### АУКЦИОН САВДОЛАРИ ХАБАРНОМАСИ!

#### "BV TRADE SERVICE"

**ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ**  
Аукцион комиссияси иштирокида ўтказиладиган "АУКЦИОН" савдоларига таклиф этади.

"АУКЦИОН" савдолари Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй (3-кават)да бўлиб ўтади.  
Пешку тумани тиббиёт бирлашмаси билан ҳамкорликда 2012 йил 16 ноябр куни соат 11<sup>00</sup>да бўлиб ўтадиган такрорий "Аукцион" савдоларига Пешку тумани тиббиёт бирлашмаси ҳисобидан 1996 йилда ишлаб чиқарилган DAMAS русумли давлат рақами 80 / 986 BAA бўлган автотранспорт воситаси чиқарилади.

**Бошланғич баҳоси 1 580 000 (Бир миллион беш юз саксон минг) сўм.**  
Закалат пули миқдори автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдорда белгиланган.

**Талабгорлар диққатига!**  
Аукцион савдосида ғолиб топилган шахс 10 (ўн) кунлик муддат ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиши лозим. Мулк учун тўловларни тўлаш тартиби ва муддати олди-сотди шартномасида белгиланади.  
Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар "Аукцион ташкилотчиси" томонидан Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй (3-кават) манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб савдоларнинг ўтказилиши белгиланган санадан бир кун олдин бўлган муддатта қадар қабул қилинади.  
Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар "Аукцион ташкилотчиси" билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан белгиланган миқдордаги закалат пуллари тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нухаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, низом нухаси ва савдода катнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.  
Закалат тўлови учун реқвизитлар: "BV TRADE SERVICE" ихтисослаштирилган МЧЖ СТИР: 301480431, МФО: 00120, ДАТ «Асакабанк» Бухоро шаҳар филиалидаги ҳисоб рақами: 20208000504828225001.  
Буюртманомаларни қабул қилиш ёки аукцион савдоларига чиқарилган мулклар билан танишиш ҳамда Сизларни қизиқтирган барча савдолар бўйича куйидаги манзилларга мурожат қилишингиз мумкин:

"Аукцион ташкилотчиси" — "BV TRADE SERVICE" ихтисослаштирилган масъулияти чекланган жамияти.  
Манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. (3-кават).  
Тел: 8 (365) 223-49-24. E-mail: bvtradeservice@mail.ru

**"BEST GLOBE REALTOR" масъулияти чекланган жамияти томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибда ўтказилган очик аукцион савдолари натижалари**

№	Объект номи	Жойлашган жой, манзили	Ҳар бирининг бошланғич баҳоси (сўм)	Сотилиш қиймати (сўм)
<b>2012 йил 18 сентябр куни сотилган ер майдонлари</b>				
1	Якка тартибда уй-жой қуриш учун 1та ер участкаси	Пешку тумани, Мустақиллик МФЙ, Гулистон кўчаси ҳудудида	1 209 600	1 650 000 сўм
2	Якка тартибда уй-жой қуриш учун 7та ер участкаси	Пешку тумани, Янгібозор ШФЙ, Ўзбекистон кўчаси ҳудудида	1 209 600	1 600 000 дан 1 800 000 гача
3	Якка тартибда уй-жой қуриш учун 4та ер участкаси	Пешку тумани, Чибогони ҚФЙ, Чалмагадой қишлоғи ҳудудида	480 000	630 000 дан 700 000 гача
4	Якка тартибда уй-жой қуриш учун 2та ер участкаси	Пешку тумани, Зандани ҚФЙ, Зандани қишлоғи ҳудудида	480 000	630 000 дан 700 000 гача
<b>2012 йил 30 октябр кунда сотилган ер майдонлари</b>				
1	Якка тартибда уй-жой қуриш учун 2та ер участкаси	Пешку тумани, Зандани ҚФЙ, Зандани қишлоғи ҳудудида	480 000	700 000 сўмдан
<b>2012 йил 7 август кунда сотилган кучмас мулк</b>				
1	Кучмас мулк бино ва иншоотлари мулклари жамланмаси	Бухоро шаҳри, Когон шоссеси кўчаси, 20 <sup>а</sup> -уй	250 600 000	290 000 000

"Аукцион ташкилотчиси" — "BEST GLOBE REALTOR" масъулияти чекланган жамияти.  
Аукцион савдолари манзили: 200100, Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй.  
Лицензия RR 0029, E-mail: bg\_rieltor@list.ru, тел: +99 895 600-97-17, 8 (365) 223-49-24.  
Хизматлар лицензияланган

## Қадрли муштарийлар!!!

"Xabar"га 2013 йил учун обуна давом этмоқда.

Келгуси йил учун "Xabar"га иккита индексда: 228-нашр кўрсаткичида одатдагидек, 3228-нашр кўрсаткичида эса тўлиқ бир йилга имтиёзли нархда обуна бўлиб, йил давомида "Xabar"ни ўқиб боришингиз мумкин.

### Жанубий Кореядан медаллар шодаси

Кенжу шахрида таэквондо (WTF) бўйича ўсмирлар, ёшлар ва катталар ўртасида ўтказилган Жанубий Корея очик чемпионатида дунёнинг эллика яқин мамлакатидан 1500 нафардан зиёд спортчи куч синашди.

"Пумсе" бўйича катталар ўртасида ўтказилган яккалик беллашувларида мамлакатимиз шарафини химоя қилган жаҳон чемпиони совриндори Александр Ли биринчи ўринни эгаллади.

Ўсмирлар ўртасидаги яккама-якка жангларда Бахром Абдуллаев ўз вазн тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратди. Яна бир олтин медалга қизлар мусобақасида голиб чиққан Умида Абдуллаева сазовор бўлди. Катталар ўртасидаги "кёруги" бахсларида Александр Ни ҳам шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Жанубий Корея очик чемпионатида иштирок этган ўзбек таэквондочилари яна 4 кумуш ва 14 бронза медални қўлга киритди.

### Ўзбек полвонлари шохсупада

Украиннинг

Алушта шахрида юнон-рум кураши бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда юз нафарга яқин спортчи ўн вазн тоифасида голиблик учун куч синашди.



Мусобақада гиламга чиққан полвонимиз Жавохир Мирахмедов финал учрашувида украиналик Аблялим Усеиновни мағлубиятга учратиб, олтин медалга сазовор бўлди.

Яна бир курашчимиз Абубакир Алимов эса финалда рақибига имкониятни бой бериб, кумуш медал билан кифояланди.

Қозғонистоннинг Тараз шахрида эркин кураш бўйича юздан зиёд спортчи иштирокида ўтказилган халқаро турнирда умидли спортчимиз Насибулло Курбонов бронза медални қўлга киритди.

### Жўрабекнинг илк соврини

Малайзияда ўсмирлар ўртасида ўтказилган ну-фузунли турнирда теннисчимиз Жўрабек Каримов халқаро майдондаги дастлабки совринини қўлга киритди.

Халқаро теннис федерацияси (ITF) мусобақалари тақвимида кирувчи турнирнинг жуфтлик беллашувларида хиндистонлик Сахил Дешмух билан бирга ўйнаган Жўрабек Каримов саралаш учрашувларида сивгапурлик Жун Синг Тан ва япониялик Рио Ватанабени 6:2, 6:2, Ирфанли Хендриван ва Хендриван Сусантони 6:1, 6:4, малайзиялик Ху Ер Янг ва Саййид Оқил Нагубни 6:3, 4:6, 11:9 ҳисобида мағлубиятга учратиб, финалга чиқди.

Хал қилувчи бахса Жўрабек Каримов ва Сахил Дешмух дуэти биринчи рақамда сараланган индонезиялик Нураддин Рамдани ва Арманно Соомарно устидан 6:1, 2:6, 10:6 ҳисобида зафар кучиб, бош совринни қўлга киритди.

14 ёшли умидли спортчимиз яккаликлар мусобақасида ҳам финалда ўйнади, лекин Сахил Дешмухга ютказди.

### "Бунёдор" Осиё Чемпионлар лигаси финалига чиқа олмади

Жанубий Кореянинг Улсан шахрида бўлиб ўтган "Улсан Хёндэ" ва "Бунёдор" жамоалари ўртасидаги Осиё чемпионлар лигасининг ярим финал жавоб учрашуви 0:2 ҳисоби билан корейликлар фойдасига ҳал бўлди.

ОЧЛ ярим финал, жавоб ўйини.

"Улсан Хёндэ" — "Бунёдор" 2:0

Гол: Ким Шин Вук (53), Ли Кун Ху (72).

Шу тариқа "Бунёдор" Осиё чемпионлар лигаси билан хайрланди.

### Спорт маликалари баҳси

Самарқанд шахрида бадий гимнастика бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақалари бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ҳамда Тошкент шахри спорт маликалари куч синашди.

Тадбирнинг очилишида мамлакатимизда спортни, хусусан, унинг нафис тури — бадий гимнастикани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкилланди.

Бугунги кунда юртимиздаги мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида бадий гимнастика бўйича тўғарақлар



фаолияти йўлга қўйилган. Вилоятлар марказларида бадий гимнастика бўйича таянч мактаблар ташкил этилган. Бу муассасаларда ҳар йили бадий гимнастика бўйича қўлаб мусобақалар ўтказилиб, иқтидорли спортчилар ҳар томонлама қўлаб-қувватланмоқда.

Ўзбекистон кубоги учун ўтказилган беллашувлар яку-

нида спорт усталари ўртасида тошкентлик Жамила Рахматова биринчи, самарқандлик Мафтуна Шамсиева иккинчи ва Бухоро вилояти вакили Замира Санакулова учинчи ўринга сазовор бўлди.

Спорт усталигига номзодлар иштирокидаги бахсларда Тошкент шахри вакили Анастасия Сердюкова муваффақият қозонди. Самарқандлик Алёна Ким ва тошкентлик Самира Амироваларга кейинги ўринлар nasib этди.

Жамоавий чиқишларда эса мезбонлар голибликни қўлга киритди. Бухоро ва Хоразм вилоятлари жамоалари эса кейинги ўринларни эгаллади.

### Маҳалла полвонлари

Навоий шахрида кураш бўйича "Маҳалламиз паҳлавонлари" республика турнирининг финал босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Республика кураш федерацияси, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар вазирликлари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур турнирдан мақсад ёш авлоднинг жисмонан бақувват, мустаҳкам иродали, ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишига шариоит яратиш, уларни оммавий спорт турларига кенг жалб этиш, маҳаллаларда иқтидорли ку-

рашчиларни тарбиялаш ва қўлаб-қувватлашдан иборат.

Бу йилги мусобақалар тўрт вазн тоифаси бўйича ўтказилди. Мусобақанинг қуйи босқичларида 130 минг нафардан зиёд ўғил-қиз иштирок этди. Уларнинг 56 нафари мусобақанинг финал босқичига йўланма олиб, миллий қадриятимиз — ўзбек кураши бўйича ўз маҳоратини намойиш этди. Якуний беллашувларда умумжамоа ҳисобида Жиззах вилояти вакиллари биринчи, фарғоналик ёшлар иккинчи, Навоий ва Хоразм вилояти полвонлари эса кейинги ўринларни қўлга киритди.

Турнир якунида голиб ва совриндорлар муносиб тақдирланди.

### Ўзбекистонлик рефери жаҳон чемпионатида ҳакамлик қилмоқда

Ўзбекистонлик футбол рефери Шуҳрат Пўлатов шу кунларда Таиландда бўлиб ўтаётган футбол бўйича 2012 йилги жаҳон чемпионати ўйинларида ҳакамлик қилапти.

Жаҳоннинг олти конфедерациясидан таклиф қилинган жами 39 нафар ҳакам орасида ўзбекистонлик футбол рефери Шуҳрат Пўлатов ҳам бор. Пўлатов мусобақанинг гуруҳ босқичи 1-тури доирасидаги иккита ўйинда ишлайдиган бўлди.

1 ноябр куни "С" гуруҳида Ливия ва Португалия терма жамоалари ўртасидаги ўйинда Шуҳрат Пўлатов 3-ҳакам вазифасини бажарди. 3 ноябр куни "Е" гуруҳидаги Россия ва Соломон ороллари ўртасидаги ўйинда эса Пўлатов майдонда 2-ҳакам сифатида ҳаракат қилади.

37 ёшли Шуҳрат Пўлатов 2009 йилдан халқаро миқёсдаги ўйинларни бошқариб келади. 2012 йилнинг ўзида у БААда бўлиб ўтган футбол бўйича Осиё чемпионати финал босқичи, Қувайтда ўтказилган футбол бўйича клублар ўртасидаги Осиё чемпионати финал босқичи бахсларига ҳам таклиф қилинган эди.

Жаҳон чемпионати бахсларида 24 жамоа иштирок этаётган бўлиб, мусобақанинг гуруҳ босқичи ўйинлари 9 ноябрга қадар давом этади, финал учрашуви эса 18 ноябр кунига белгиланган.

### "ФИФА Мундиал" Бунёдор клубига бағишланган лавҳани намойиш этди



Халқаро футбол федерациясининг расмий телекўрсатуви бўлган "ФИФА Футбол Мундиал" ўз кўрсатувларининг бирини Тошкентнинг "Бунёдор" клуби ҳақидаги лавҳадан бошлади.

"ФИФА Футбол Мундиал" кўрсатувининг ижодий гуруҳи "Бунёдор" — "Аделаида Юнайтед" жамоалари ўртасидаги ОФК чемпионлари лигасининг 1/4 финал учрашуви жавоб ўйини арафасида Тошкентда бўлганди.

Англиялик мەҳмонлар нафақат драматик кечган учрашувнинг ҳаяжонга солувчи дақиқаларини, балки янги "Бунёдор" стадионини ҳам тасвирга олишди, жамоа бош мураббийи Миржалол Қосимов ва клуб сардори Виктор Карпенко билан суҳбатлашди.

Ўтган ҳафтада намойиш этилган кўрсатувининг навбатдаги сониди телемошабинлар Ўзбекистон чемпионига бағишланган лавҳани кўриш имконига эга бўлишди.

"Бир фактага аниқлик киритишни истардик, "Бунёдор" Австралиянинг "Аделаида Юнайтед" жамоасини, "Футбол Мундиал" кўрсатувидаги ҳамкасбларимиз айтганидай, пеналтилар сериясида эмас, балки кўшимча вақтда ютди", — деб ёзади "Бунёдор" ФКнинг матбуот хизмати.

### Утганларнинг охираги обод бўлсин

"Ўзбектелеком" АК Самарқанд филиали ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касба уюшмаси қўмитаси жамоалари "Ўзбектелеком" АК Самарқанд филиали Уругут туман телекоммуникациялар боғламаси электромонтежи, цех касба уюшмаси қўмитаси раиси Тўйчи СОЛИЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур таъзия билдиради.

"Xabar" газетасининг 2012 йил 14 сентябрдаги 37 (1043)-сонида чоп этилган шаходатноманинг йўқолганлиги сабабли бекор қилиниши ҳақидаги эълоннинг учинчи ва тўртинчи қаторлари "Алишер Талипов номига берилган O'R-SH № 0531580 рақамли шаходатнома..." деб ўқилсин.

# Сканворд



## Лайиҳа

Ўттиз йил учрашмаган икки таниш кўришиб қолди. Бири ўн олти фарзандли бўлган. Наригиси ундан сўради:  
 — Хотининг билан ахил яшашсан, шеклилли, а?  
 — Бу нима деганинг? Мен хотинимдан оловдан кўрққандай кўрқаман.  
 — Нега унда болани кўпайтириб юбординг?  
 — Хотиним ўқлов олиб югурганда уларнинг орасига беркинлиб олиш осовроқ-да.

## Олмосишсан олмос

"Guardian" нашрининг ёзишича, "Кристис" савдо уйида дунёдаги энг қимматбаҳо тошлардан бири бўлган "Эрцгерцог Иосиф" олмоси сотувга қўйилди. Оғирлиги 76,02 каратини ташкил этувчи бу ноёб тош 15 миллион АҚШ долларига баҳоланмоқда. Мазкур савдо уйи мутахассиси Жан Марк Лунелнинг сўзларига кўра, бу олмос Хиндистондаги кондан топилган. Айтишларича, ноёблиги бўйича дунёга машҳур Кўхинур тоши ҳам худди шу кондан топилган. Маълумотларга кўра, "Эрцгерцог Иосиф" олмоси сотувга иккинчи бор қўйилмоқда. Мазкур тош 1993 йилда 6,5 миллион АҚШ долларига сотилган. Сўнг эса унинг баҳоси икки баробарга кўтарилган.

## ШИФОБАХШ ЧОЙЛАР

**М**аймунжон (малина) барглари яллиғланишни баргараф этувчи, вирусларни хайдовчи ва кондаги қанд микдорини туширувчи восита сифатида жуда фойдалидир. Бунинг учун бир пиёла қайноқ сувга бир ош қошиқ маймунжон барглари солиб, бир соат давомида тиндириб, кунига уч маҳал ичиш мумкин.

**Ё**ввойи қулуннай (ертуг)дан тайёрланган чой — витаминларга бой ва шифобахшидир. Ёввойи қулуннайдан тайёрланган чойлар атеросклероз, асаб қасалликлариди, уйқусизликда, жигар ва буйракдаги тошларни эритишда яхши натижа беради. Бунинг учун бир пиёла қайноқ сувга бир чойқошиқ ёввойи қулуннайдан солиб, 20 дақиқа давомида дамланади ва ичилади.

**Ч**аканда (облепиха) меваларига шакар сепиб, узок вақт сақлаш мумкин. Шакар ва меваларни бир хил микдорда банкага солиб, нур тушмаслиги учун мато билан ўраб, совуттигда сақланади. Бу аралашмадан керакли микдорда олингандан кейин, албатта, устига яна шакар сепиб қўйиш лозим. Банканинг юзига чиқиб қолган шарбатни олиб, витаминли ичимлик сифатида истеъмол қилиш фойдали.

**Н**аъматак, қорағат (черника), чаканда ва асалдан тайёрланган ичимлик моддалар алмашинуви бузилиши ва қандли диабет билан оғриган беморлар учун жуда фойдали. Бунинг учун уч ошқошиқ қуритиб, майдаланган наъматак мевалари, бир ошқошиқ қуритилган қорағат меваларини беш пиёла қайноқ сувга солиб, ярим соат давомида тиндирилади ва устига тўрт ошқошиқ чаканда меваларидан тайёрланган шарбат ва бир чойқошиқ асал қўшиб аралаштирилади. Кунига уч маҳал истеъмол қилинади.

## ТЕЖАМКОР БЎЛИНГ

**О**ила маблағини иқтисод қилишда тежамкорликнинг аҳамияти катта. Томато кўл бўлур, деганларидай оддий нарсаларни ҳам эҳтиётлаб ишлаб, анча пулни тежаш мумкин. Озгина айнигандай кўринган нарсаларни ташлаб юборишга шошилманг. Масалан, олма сиркасини. Агар ошхонангиздаги олма сиркаси хираланиб қолган бўлса, уни асл ҳолига келтириш мумкин. Бунга пиширилмаган сут ёрдамида эришамиз. Яъни, сирка устига тўрт ошқошиқ сут қуйиб, яхшилаб аралаштирамиз ва бир четга қўйиб қўямиз. Бир неча соат ўтгач, олиб қарсангиз сут сиркангиз тепасига чиқиб қолган бўлади. Сутни тўкиб ташласангиз, сиркангиз асл ҳолига келади. Сиркани докадан ўтказиб олишни унутманг.



BU — QIZIQ!

### МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,  
 Бунёкор шоҳқўчаси, 8-уй.  
 Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.  
 Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ.  
 Навбатчи: Аслиддин БЎРИЕВ

### ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.  
 Босишга топширилиш вақти — 20.00.

<p><b>МУАССИС:</b></p> <p>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ</p> <p><b>Бош муҳаррир:</b> Абдусайд КўЧИМОВ</p>	<p><b>ТАХРИР ХАЙЪАТИ:</b>                  Хуршид МИРЗАХИДОВ (Хайъат раиси), Шўхрат АТАМУХАМЕДОВ, Миродил САНГИЛОВ, Махсум МАХМУДОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шомансур АБИДХОДЖАЕВ, Сувоп НАЖБИДИНОВ, Абдугани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p>			<p><b>МАНЗИЛИМИЗ:</b></p> <p>100043, Тошкент,                  Бунёкор шоҳқўчаси, 8-уй.                  Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.                  Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz</p>																											
	<p>Тахририятга келган кўлёмза ва суратлар эгаларига қайтарибмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланishi мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Реклама матнларининг тўричилигига тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.</p>			<p>Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.</p> <p>Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ.                  Навбатчи: Аслиддин БЎРИЕВ</p>																											
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.</p>	<p>Газета ҳафтаининг жума кунини чиқади</p>	<p>"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.                  Манзили: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.</p>	<p>Г-1152 сонли буюртма. Оффсет усулида босилди. Қоғоз бېчима А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 13734 нуска.</p>	<p><b>ISSN 2010-6424</b></p> <p>Босишга топширилди — 20.00.                  Босишга топширилиш вақти — 20.00.</p>																											
<p>Видеот мухбирлари:</p> <table border="1"> <tr> <td>Андижонда</td> <td>Бухорода</td> <td>Гулистонда</td> <td>Жиззахда</td> <td>Навоийда</td> <td>Наманганда</td> <td>Нукусда</td> <td>Самарқандда</td> <td>Термизда</td> <td>Тошкентда</td> <td>Урганчада</td> <td>Фарғонада</td> <td>Қаршида</td> </tr> <tr> <td>226-47-80</td> <td>223-27-85</td> <td>40-12-19</td> <td>226-06-34</td> <td>225-91-10</td> <td>232-97-86</td> <td>554-35-45</td> <td>233-61-81</td> <td>224-06-12</td> <td>288-40-66</td> <td>226-37-16</td> <td>224-91-56</td> <td>931-08-99</td> </tr> </table>						Андижонда	Бухорода	Гулистонда	Жиззахда	Навоийда	Наманганда	Нукусда	Самарқандда	Термизда	Тошкентда	Урганчада	Фарғонада	Қаршида	226-47-80	223-27-85	40-12-19	226-06-34	225-91-10	232-97-86	554-35-45	233-61-81	224-06-12	288-40-66	226-37-16	224-91-56	931-08-99
Андижонда	Бухорода	Гулистонда	Жиззахда	Навоийда	Наманганда	Нукусда	Самарқандда	Термизда	Тошкентда	Урганчада	Фарғонада	Қаршида																			
226-47-80	223-27-85	40-12-19	226-06-34	225-91-10	232-97-86	554-35-45	233-61-81	224-06-12	288-40-66	226-37-16	224-91-56	931-08-99																			